

Кредитлаш жараёнида аҳоли даромадларининг илмий-назарий асослари ҳамда амалий ҳолати таҳлили

Бозоров Руслан Хамдамович

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси докторанти

иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*), доцент

E-mail: ruslanhamdamovich@mail.ru

Аннотация. Мақолада иктиносидиётда самарали кредитлаш механизmlарини кўллашда аҳоли даромадлари тушунчаси ва уни ҳисобга олишнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда ушбу тушунчанинг назарий асослари ёритиб берилган. Шунингдек, аҳоли даромадлари барқарорлигига тижорат банкларининг кредит портфели, истеъмол нархлари индекси, доимий аҳоли сони, кам таъминланган аҳоли улуши каби кўрсаткичлар ҳамда аҳоли даромадларини табақалашув даражасини пасайтириш бўйича чораларнинг таъсири ҳамда ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинган. Ва тегишли хуносалар келтирилган.

Таянч сўзлар: кредит портфели, аҳоли даромадлари, нарх индекси, аҳоли даромадларини табақалашуви, камбағаллик чегараси ва кам таъминланган аҳоли.

Аннотация. В статье раскрыто понятие доходов населения и роль и значение его учета в применении эффективных механизмов кредитования в экономике, а также теоретические основы этого понятия. Также проанализировано влияние и взаимосвязь таких показателей, как кредитный портфель коммерческих банков, индекс потребительских цен, постоянное население, доля бедного населения и меры по снижению уровня доходного расслоения на стабильность доходов населения. И представлены соответствующие выводы.

Ключевые слова: кредитный портфель, доходы населения, индекс цен, уровень стратификации населения по доходам, черта бедности и малообеспеченное население.

Abstract: The article reveals the concept of incomes of the population and the role and significance of its accounting in the application of effective lending mechanisms in the economy, as well as the theoretical foundations of this concept. The influence and relationship of such indicators as the loan portfolio of commercial banks, the consumer price index, the resident population, the share of the poor population and measures to reduce the level of income stratification on the stability of incomes of the population are also analyzed. And the corresponding conclusions are presented.

Key words: loan portfolio, population income, price index, level of population stratification by income, poverty line and low-income population.

Кириш

Бизга маълумки, банк ресурсларидан фойдаланишда иктиносидиётда аҳоли даромадларини барқарорлигини таъминлаган ҳолда кредитлашни амалга ошириш муҳим масала ҳисобланади. Бу борада, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган кредитлаш механизмининг таркибий элементларидан бири бўлган мижозларнинг тўловга лаёқатлиигини баҳолаш ва бу жараёнда унинг даромадлари ҳамда уларнинг кўламини инобатга олиш орқали кредитлаш бўйича қарор қабул қилиш амалиёти мавжуддир. Аммо, бугунги кунда банклар томонидан ажратилаётган кредитлар портфелида муаммоли кредитларнинг улуши юқори даражада сақланиб қолаётгани (1-жадвал) бевосита бу борада назарий-услубий тадқиқотларни талаб қилади.

1-жадвал

**Тижорат банкларининг кредит портъфели ва уларда муаммоли кредитлар (NPL)
улуши тўғрисида маълумот¹**

млрд. сўм

Кўрсаткичлар		2021 йил 1 январь	2022 йил 1 январь	2023 йил 1 январь	2023 йил 1 июль	2023 йил 1 ноябрь
Жами:	кредит портфели	276 975	326 386	390 049	423 773	460 491
		100 %	100 %	100 %	100 %	100 %
	NPL	5 785	16 974	13 992	14 303	16 777
		2,1 %	5,2 %	3,6 %	3,4 %	3,6 %
Давлат улуши мавжуд банклар	кредит портфели	244 484	280 074	324 681	307 887	329 529
		88,3 %	85,8 %	83,2 %	72,7 %	71,6 %
	NPL	5 168	15 069	12 643	11 855	13 069
		89,3 %	88,8 %	90,4 %	82,9 %	77,9 %
Бошқа банклар	кредит портфели	32491	46 312	65 368	115 886	130 962
		11,7 %	14,2 %	16,8 %	27,4 %	28,4 %
	NPL	617	1 905	1 349	2 448	3 708
		10,7 %	11,2 %	9,6 %	17,1 %	22,1 %

Шу мақсадда тадқиқотимиз давомида “аҳоли даромадлари” тушунчаси ва уларнинг ҳажми ва сифатига таъсир этувчи омилларнинг назарий ва услубий жиҳатларни ўрганган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Навбатда, аҳоли даромадлари тушунчасига доир турли ёндашувларни кўриб чиқамиз. Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, даромадлар тенгсизлиги муаммоси узоқ вақтдан буён мавжуд бўлишига қарамай, 1870 йилга келибина бу муаммони ўрганишда даромад тушунчасининг ўзидан фойдалана бошланган. Й. Шумпетер таъкидлаганидек, илгари асосан “бойлик” каби иқтисодий категориядан фойдаланилган (Шумпетер Й., 2001).

Аҳоли даромадлари моҳияти, уларнинг шаклланиши ва тартибга солиниш масалаларини турли мактаб ва йўналишдаги иқтисодчилар тадқиқотларида кўриб чиқсан. Мисол учун, меркантилистлардан Ж.Б.Кольбер, Т.Ман, А.Монкретьен, Дж.Стюарт ва бошқалар: аҳоли даромадларининг шаклланиши фақат муомала соҳаси билан боғлиқ деган холоса берганлар. Физиократлар А.Тюрго, Ф.Кенэлар аҳолининг бойлик ва даромадларини кўпайтириш асосини маҳсулот ҳажми ортишига йўналтирилган қишлоқ хўжалиги фаолиятила деб билган. Классик мактаб вакилларидан А.Смит ва Д.Рикардолар эса, даромад шаклланиши ва уни тартибга солиш масалаларини бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилиш имконини тадқиқ қилган. К.Маркс меҳнатнинг қиймат назариясини асослаган ҳолда даромад назариясига ўз ҳиссасини қўшган. В.Парето, М.Фридман, Ф.Хайек ва бошқалар аҳоли даромадларини тақсимлашда давлатнинг аралашмаслиги назариясини ишлаб чиқсан.

Классик иқтисодчилардан У.Петти 1676 йилда ёзган “Сиёсий арифметика” китобида аҳолининг жон бошига даромади ва озиқ-овқат харажатлари ҳақида маълумотлар келтирган (Петти У., 1676). Иқтисодчи аҳолининг даромадига ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қараган. Унинг “меҳнат – барча бойликнинг отаси, ер – унинг онаси” деган ибораси машҳурдир. Бу билан, иқтисодчи аосий ишлаб чиқариш омилларига эътибор қаратган ҳолда, аҳоли тирикчилиги учун иш ҳақи масаласига ургу берган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

А.Смит аҳоли даромадларини ўсишини мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ деб ҳисоблади (Смит А., 1802). Унинг фикрича, бозор механизмининг амал қилиш табиати шундайки, бозор муносабатларидағи ҳар бир иштирокчи ўз манфаати(фойдаси)га интилиб иқтисодий қизиқишларини мустақил равища амалга оширади. Натижада, шахс индивидуал мақсадларни амалга ошириш орқали маҳсулотнинг ижтимоийлашуви ва жамият даромадининг ўсишига ҳисса қўшади. А.Смит бозорнинг иқтисодий механизмида рақобатнинг ички манбаи сифатида шахсий манфаати ва аҳамиятини кўрсатиб берган. Демак, одамлар фаолиятининг асосий иқтисодий мотиви – бу инсонларнинг ўз бойлигини оширишдан шахсий манфаати деган хуоса келиб чиқади. Айнан шу мотив инсонларни ҳаракатга келтиради ва уларни бир-бирлари билан муносабатга киришишига мажбур этади. Олимнинг фикрича, юқори маош билан ҳар доим паст маошга қараганда фаолрок, ақлли ва меҳнатсевар ишчиларни топиш мумкин.

Шундай қилиб, А.Смит даромад олишнинг асосий манбаларини, шаклланиш тартиби ва тақсимланиш шаклларини ҳамда уларнинг ҳажмини аниқлади. Даромадларни тартибга солиш усуулариға келсак, у буни бозор механизмининг ўзи амалга оширади деб ҳисоблади. Шунинг билан бирга, давлат фаолиятининг учта функция билан, яъни, давлат ҳокимиятининг самарали тузилмасини тузиш ва сақлаш, мамлакатни мудофаа қилиш ҳамда одил судлов бўлишилиги таъминлаш билан чекланишига эътибор қаратди.

Даромадларни шаклланиши ва тақсимлаш қонуниятларини асословчилардан яна бири Давид Рикардодир. У иқтисод фанининг асосий муаммосини даромадларни тақсимлашни тартибга солувчи қонуниятни топишда деб билди (Рикардо, Д., 1822). Унинг таҳлиллари даромадлар тақсимланиш муаммосига қаратилган эди. Яъни жамиятдаги турли гурухларнинг умумий (ижтимоий) маҳсулотдаги улушлар нисбатини тушунтиришга йўналтирилган. У фойда, рента ва иш ҳақи шаклида ҳар бир аҳоли синфига борадиган маҳсулотнинг улушкини ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида турлича эканлинии асослаб берган. Шу аснода, иқтисодчи тадқиқотларида даромадларнинг нотекис тақсимоти ва ижтиомий тенгсизлик муаммоси асосий масала ҳисобланган.

Умуман олганда, классик мактаб вакиллари аҳоли даромадлари табақалашуви ва ундаги муаммоларни таҳлил қилган ҳолда иқтисодиётдаги мувозанат ва динамика ҳолатини бозор механизмлари билан асослашга интилган. Қолаверса, уларнинг фикрига кўра, даромад тақсимоти тартибга солинмайди ва давлатнинг ҳар қандай аралашуви самарасизdir. Шунингдек, улар томонидан тан олиндики, даромад бир томондан иқтисодий фаолиятининг натижа кўрсаткичи бўлса, иккинчи томондан шахснинг ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришдаги роли ҳисобланади.

К.Маркс даромадларни тартибга солиш зарурлиги ҳақидаги фикрларни шаклланишига катта ҳисса қўшган. Унинг учун бошланғич нуқта – ишлаб чиқаришдир (Маркс К., 1957, 1983). Даромаддан фойдаланган ҳолда истеъмолчи ишлаб чиқариш жараёнининг доимий тақрорланишини рағбатлантиради. Чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотни даромад ҳисобига истеъмол қилинадиган маҳсулотларга айланиши уларни узлуксиз ишлаб чиқариш имконияти ва заруриятини беради. Бундан ташқари, даромад асосидаги истеъмол нафақат ишлаб чиқаришнинг тақрорланишини рағбатлантиради, балки унинг кенгайиши ва тақомиллашишига турткি бўлиб хизмат қилиш билан бирга, янги товарлар ва хизматлар ҳамда тармоқларнинг пайдо бўлишини рағбатлантиради. Ижтимоий нуқтаи назардан, даромад аҳолининг меҳнат кучини тақрор ишлаб чиқариш мақсадида товарлардан фойдаланишга оид муносабатларини ифодалайди. Бу эса, шахсий ишлаб чиқариш омили ҳисобланади.

Маржиналистлар жамият даромадларини барча шахслар учун фойдалиликнинг массаси сифатида кўришган. Шунинг учун даромадларни тақсимлаш миқдорий ифодаланиши ва фаравонликнинг максимал ҳажмига тенг бўлиши шарт деб ҳисоблаган. Маржинал фойдалилик назарияси даромадларни аҳолининг юқори даромадли қатламларидан кам таъминланган қатламларга қайта тақсимлаш зарурати асосида ётади. Бу йўналишда рақобатбардош бозор мувозанати шароитида даромадни кўриб чиқсан В.Парето ғояси муҳим аҳамиятга эга. Унинг ижтимоий фойдалилик ҳақидаги тушунчаси “Парето оптимали” деб номланган (Парето В., 1906, 2011). Парето самарадорлиги ресурсларни исроф қилиш ёмон, аммо самарали фойдаланиш яхши эканлигини англатади. Шу билан бирга, баъзиларнинг фаровонлигини бошқалар ҳисобидан яхшилаш билан бирга келадиган бундай харажатларни йўқ қилиш кераклиги тушунтирилган.

Аҳоли даромадларини тартибга солишнинг яна бир ёндашуви даромад ва талаб ўртасидаги боғлиқликни ўрганган Ж.М.Кейнс томонидан таклиф қилинган. Унинг фикрича

(Кейнс Д. М., 1936, 2018), ялпи талаб истеъмол ва инвестиция талабининг умумий пулдаги ифодасидир. Бу ерда, истеъмол талаби аҳолининг пул даромадлари миқдори ва қандай сарфланишига боғлиқлигига урғу берилган. Даромад ошгани сайн талаб ҳам ошади, истеъмол харажатлари ошади, лекин бу харажатлар даромад ошганидек ошмайди. Даромадларни дифференция қилиш (фарқлаш) муаммосини тадқиқ қилишд реал даромадлар ва реал харажатлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатадиган Кейнснинг макроқитисодий истеъмол функцияси муҳим роль ўйнайди.

Ж.М.Кейнс иқтисодиётдаги инқироз ҳодисаларнинг асосий сабабини самарали талабнинг йўқлигига кўрди, шунинг учун давлатнинг саъй-ҳаракатлари “самарали талаб” ни мавжудлигини таъминлашга ҳам қаратилган бўлиши зарур. Бундан ташқари, олимнинг фикрича давлатнинг “тунги қўриқчи” сифатидаги анъанавий функцияларини кенгайтириш керак, сабаби “иқтисодий кучларнинг эркин ўйинини чеклаш ва назорат қилиш зарур” ҳолда иқтисодий сиёsat талаб ва истеъмолни рағбатлантиришни ўз ичига олиши керак. Чунки жамият бойлигининг ўсиши маҳсулотларни сотиш орқали таъминланади. Демак, давлат истеъмолга мойиликка ҳам таъсир кўрсатиши лозим.

Монетаризмчилар аҳоли даромадлари давлат томонидан тартибга солинишини кўллаб-қувватламайдилар. Монетаризм асосчиларидан Милтон Фридман иқтисодиётда давлатнинг ролини соғлом рақобатни тартиб-қоидаларини ўрнатиш ва хусусий мулкчиликка устуворликни беришда деб билган (Фридман М., 1998, 2006). Унинг фикрича, давлатнинг асосий функцияси пулга бўлган барқарор талабни шакллантириш ва таъминлашдадир. Барқарор ваadolатли тартиб-қоидалар асосида пул массасининг ортиши мамлакатда иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи омилга айланиши мумкин. Монетаризм назарияси вакилларига кўра, мамлакатдаги пул-кредит сиёsatи иқтисодиётда аҳоли турмуш фаровонлигини ошиши ва даромадлари ўсишини белгилайди. Сабаби аҳоли даромадлари ошигани сайн пул ва қийматли активларга талаб ўзгаради. Шу сабабли, аҳоли даромадларига давлат томонидан пул мумолосини тартибга солиш билан таъсир кўрсатилади. Бунинг эвазига жорий даромадлар камайган вазиятли даврларда ҳам турмуш даражасини имкон қадар барқарор сақлаш мумкин бўлади.

Аҳоли даромадлари барқарорлигини таъмилашдаги муаммолар ҳал қилишда институционализм йўналиши иқтисодчи олимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшган бўлиб, улар талқинида аҳоли даромадларига маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ва тарихий омиллар ҳам моддий омиллар каби ҳаракатлантирувчи куч сифатида таъсир қиласди. Яъни, уларнинг эътибор марказида аҳоли иқтисодий ҳаётининг барча шарт-шароитлари ҳамда таъсир этувчи омиллар ҳолатига асосан уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш тенденциялари, шу жумладан даромадлари барқарорлиги кузатилиши мумкинdir. Уларга кўра, аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиниш механизми самараasi бозор механизмидан кам ҳисобланмайди.

Нидерландиялик иқтисодчи олим Я.Тинберген иқтисодиётда даромадларни тақсимлаш борасидаги таҳлилида тенгиззлик муаммосини ҳал этиш энг муҳим масала деб ҳисоблайди (Tinbergen J., 1975). У ўз тадқиқотларидаadolатли ва оптимал тақсимлаш тушунчаларини ажратишга интилган. Унинг фикрича,adolатли тақсимотга эришиш учун маълум ижтиомий чоралар зарурдир. Шу боисдан, Ян аҳоли даромадларини ўсишини таъминлашнинг асосий омили деб, таълимни ҳисоблаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади кредитлаш жараёнида аҳоли даромадларининг назарий асосларига доир иқтисодчи олимларнинг фикр ва қарашларини ўрганиш орқали тадқиқотнинг кейинги босқичларида самарали кредитлаш механизmlари орқали аҳоли даромадлари барқарорлигини таъминлашга доир илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши учун илмий хulosалар шакллантиришдан иборат. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг аҳоли даромадларининг шаклланиши ва қайта тақсимланиши, шунингдек табақалашув даражасининг назарий ҳамда амалий моҳияти ҳақидаги ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўtkазиш орқали тегишли йўналишларда хulosса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усууллар билан бир қаторда назарий маълумотларни тизимлаш бўйича маҳсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усууллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Аҳоли даромадларини англаш, уларни тақсимланиши бўйича турли хил илмий ёндашувларга доир таҳлилни юқорида кўриб чиқдик, бу аҳоли даромадлари ва уларни тартибга солишининг концепциясига доир асосларни шакллантиришга имкон беради.

Яъни, бизнинг фикримизча аҳоли даромадларининг барқарорлик даражаси ва уларнинг табақаланишининг иқтисодий жиҳатдан самарали ва ижтимоий жиҳатдан мақбул ҳолати ҳар бир миллий ёки худудий иқтисод учун мавжуд бўлиб, бу мақбул ҳолат ҳар бир иқтисодиёт учун турлича ҳисобланади. Чунки турли иқтисодиётларда мавжуд табиий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муҳит турличадир. Бундан ташқари бозор механизмларининг ишлаши ва иқтисодиётга давлат аралашуви даражаси ҳам ҳар бир иқтисодиётда ўзига хосдир, бу эса ўз-ўзидан мавжуд жамиятлардаги аҳоли даромадлари ва уларни табақалашуви ҳолатига таъсир кўрсатади.

Бу эса, услубий асос сифатида аҳоли даромадларига тизимли ёндашиш шарт бўлиб, бу нафақат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, табиий ва институционал ҳусусиятдаги масалаларни ўрганишни балки, жамиятда аҳолининг турли гурухлари ўртасидаги даромадларнинг микдорий ва сифат жиҳатидан боғлиқлиги ҳамда улардаги истеъмол харажатларининг улушкини янада кенгроқ таҳлил асосида тадқиқ қилишни талаб этади.

Шундай қилиб, аҳоли даромадлари тушунчасининг асосий жиҳатлари қуйидагилар билан ўзаро боғлиқ:


- концепцияга доир фундаментал биринчи ҳолат: жамиятда аҳоли даромадлари ўсиши жарёнидаги вужудга келадиган табақалашув икки томонлама роль ўйнайди. Бир томондан, аҳоли ўртасида даромадларнинг фарқланиши улар ўртасида маълум бир шароитда рақобат муҳитини шакллантирган ҳолда ўз-ўзини ривожлантиришнинг ички импульси бўлса, шунга мос равишда умумий миллий иқтисодиёт учун ҳаракатлантирувчи куч бўлади. Иккинчи томондан, аҳоли даромадларининг табақалашув даражасининг ортиб бориши, ушбу жамиятда ижтимоий зидиятлар шаклланишига ёки мавжудларининг кучайишига олиб келади. Бу ҳолатда аҳоли даромадлари табақалашуви даражасини пасайтириш мақсадидаги давлатнинг ижтимоий сиёsat воситасида (пул ёки натура шаклида) аралашувини кузатиш мумкин. Аммо бу аралашув воситасининг иқтисодиётдаги салбий таъсири сифатида инфляциянинг ортиши ҳолати келиб чиқиши мумкин.

- концепцияга доир фундаментал иккинчи ҳолат: биринчи ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда, аҳоли даромадлари табақалашувини миллий иқтисодиёт учун мос оптималь даражада таъминлаш учун аҳоли даромадларини доимий равишда тартибга солиш керак бўлади, бунда тартибга солиш амалга ошириш механизмларининг биринчи ҳолатдагидан фарқли жиҳати аҳоли даромадлари табақалашувини ошиб кетган қисмини пасайтиришга эмас, табақалашувни ўсишини олдини олишга қаратилади.

Шундан келиб чиқиб, бизнингча, жамиятда кенг масштабда аҳоли даромадларини барқарорлигини таъминлашда улар даромадларининг табақалашув даражасининг бирор аниқ белгиланган меъёр ёки максимал кўрсаткичдан ошмасликка эришиш орқали эмас, балким “Парето оптимали” (Парето самарадорлиги)га асосланган йўналишда аҳоли даромадларини тартибга солиш мақсаддага мувофиқ деб ҳисоблаймиз.


Бундан ташқари, таҳлиллар асосида иқтисодий жиҳатдан самарали ва ижтимоий жиҳатдан мақбул аҳоли даромадлари ва уларнинг табақалашув даражалари бўйича мезонларни ишлаб чиқишида миллий иқтисодиётдаги бутун жамият учун мос келадиган умумий ечим топиш жуда мураккаб ва қийин жараён ҳамда масала деган хulosага келиш мумкин.

Бозор иқтисодиётида аҳоли даромадларининг пул шаклидаги манбалари билан бирга, натура кўринишидаги даромад манбалари ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Уларга аҳолининг томорқа хўжалигидан фойдаланган ҳолда олган маҳсулотларидан даромади ҳамда ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламига бепул кўрсатиладиган хизматлар ва бериладиган маҳсулотлар мисол бўлади.



1-расм. Пул шаклидаги аҳоли даромадлари манбаларининг турлари²

Яна бир жиҳат борки, аҳолининг даромадлари реал ва номинал даромад турларига ажратилади. Аҳолининг номинал даромади бу маълум миқдордаги пул суммаси шаклидаги даромади бўлса, реал даромади бу мазкур миқдордаги пул суммаси шаклидаги даромадга ҳақиқатда қанча миқдорда товар ва хизматлар ёки ишлар харид қилиш мумкинлигини англатади. Шу туфайли аҳолининг реал даромадлари миқдори аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлар тизимининг умумий характердаги яхлит кўрсаткичи сифатида қаралади.



2-расм. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси кўрсаткичлари тизими³

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Аҳоли даромадаларини тартибга солиш самарадорлигини макроиқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, турмуш даражаси ва сифати, фаровонлик, аҳоли жон бошига ЯИМ ёки аҳоли жон бошига даромад даражаси каби кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин.

² Тадқиқот манбалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

³ Тадқиқот манбалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2-жадвал

Ўзбекистонда 2018-2022 йилларда аҳоли даромадлари тўғрисида маълумот⁴

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
Аҳоли умумий даромадалари, трлн. сўм	300,8	365,7	415,0	519,2	634,8
ўтган йилга нисбатан, % да	127,0	121,6	113,5	125,1	122,3
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, млн. сўм	9,1	10,9	12,1	14,9	17,8
ўтган йилга нисбатан, % да	124,8	119,3	111,3	122,7	119,8
Аҳоли реал умумий даромадлари, трлн. сўм	256,0	319,3	367,5	468,5	569,6
ўтган йилга нисбатан, % да	108,1	106,1	100,5	112,9	109,7
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, млн. сўм	7,8	9,5	10,7	13,4	16,0
ўтган йилга нисбатан, % да	106,2	104,2	98,6	110,7	107,5

3-жадвал

Ўзбекистонда 2018-2022 йиллардаги истеъмол нархлари индекси тўғрисида маълумот⁵

Номи	2018	2019	2020	2021	2022
Товарлар	118,8	114,3	113,6	111,6	112,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	120,1	116,9	117,2	114,3	115,1
Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	117,1	111,1	109,1	108,3	109,9
Хизматлар	112,1	115,5	110,6	108,2	107,0
Йиғма индекс	117,5	114,5	112,9	110,8	111,4

4-жадвал

Ўзбекистонда 2018-2022 йилларда доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (минг киши, йил бошига)⁶

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Аҳоли сони,	32656,7	33255,5	33905,2	34558,9	35271,3	36024,9
ўсиш, % да	101,7	101,8	101,9	101,9	102,1	102,1

2-жадвал маълумотларига кўринадики аҳолининг умумий даромадлари 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 2,11 (634,8/300,8) баробарга ошган бўлса, реал умумий даромадлари 2,23 (569,6/256) баробарга ошган. Бундан кўринадики, ушбу даврда аҳолининг умумий даромадларининг ўсиш динамикаси мамлакатдаги истеъмол нархлари индекси кўрсаткичларидан баланд бўлган. Бу натижа миллий иқтисодиёт учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2022 йилда 2018 йилга нисбатан аҳоли жон бошига умумий даромадлар 1,96 баробарга (17,8/9,1) ошган, аҳоли жон бошига реал умумий даромадлари эса 2,05 баробарга (16,0/7,8) ўсан. Бу ҳолатда шундай холосага келиш мумкинки, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўсиш динамикаси кўрсаткичи мамлакатдаги истеъмол нархлари индекси ва аҳоли сонинг ўсиш даражасининг йиғма кўрсаткичларидан ҳам баланд

⁴ Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

⁵ Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

⁶ Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

бўлган. Албатта бу каби ижобий натижалар, мамлакатдаги аҳоли даромадларини барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар натижасидир.

Бугунги кунда аҳоли даромадлари ва уларнинг табақалашув даражаси аҳолининг турли фоизли гуруҳларга доир даромадлари улушларини таққослаш орқали таҳлил қилган ҳолда ўрганилмоқда. Мисол учун, децил ёки квинтил фоизли гуруҳлар бўйича дифференциация коэффициенти, Джини индекси ёки Лоренц эгри чизиги кабилар.

5-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли даромадларининг аҳолининг 10 фоизли гуруҳлари бўйича тақсимланиш ҳолати⁷

Дециль гуруҳлари	2007	2010	2013	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
I дециль	2,1	2,9	3,2	3,8	3,9	3,9	3,7	3,4	3,3	3,5
II дециль	3,7	4,8	5,0	5,4	5,5	5,4	5,3	5,1	5,1	5,1
III дециль	5,2	6,0	6,0	6,4	6,4	6,4	6,4	6,2	6,2	6,1
IV дециль	6,1	6,9	7,0	7,3	7,2	7,3	7,3	7,1	7,2	7,0
V дециль	8,1	7,9	7,9	8,1	8,1	8,1	8,2	8,1	8,2	7,9
VI дециль	9,2	9,1	9,0	9,1	9,1	9,1	9,2	9,1	9,3	8,9
VII дециль	10,2	10,5	10,3	10,2	10,2	10,3	10,5	10,5	10,6	10,2
VIII дециль	12,3	12,2	11,9	11,5	11,6	11,7	12,1	12,1	12,5	11,9
IX дециль	15,1	14,9	14,4	13,8	13,9	14,1	14,7	14,8	15,2	14,7
X дециль	28,7	24,8	25,3	24,4	24,1	23,7	22,6	23,5	22,5	24,8
Дифференциация коэффициенти	13,7	8,5	7,9	6,4	6,2	6,1	6,0	6,9	6,8	7,0

5-жадвал маълумотларида, мамлакатимиз аҳолисининг 10 фоизли гуруҳлар бўйича даромадаларининг аҳолининг умумий даромадларидаги улуши келтирилган бўлиб, биринчи 10 фоизли аҳоли гуруҳининг улуши таҳлил даврида 1,4 пунктга (3,5-2,1) ошганини, охирги 10 фоизли гуруҳнинг улуши 3,9 пунктга (28,7-24,4) пасайганини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат аҳоли даромадаларини табақалашуви бўйича ҳолат салбий тенденцияда эмаслигини англаатади. Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, аҳолининг юқори даромадли 10 фоизли гуруҳи даромадларининг аҳолининг энг кам даромадли 10 фоизли гуруҳи даромадларига нисбати 6-8 баробар бўлишилиги меъёр ёки адолатли ҳолат бўлиши мумкин⁸. Агар ушбу мулоҳазага таянсак, бизнинг мамлакатимизда таҳлил даври бошида бу кўрсаткич 13,7 (салбий) бўлган бўлса, давр охирида 7,0 коэффициентни қайд этиб, ижобий тенденцияни қайд этган.

Аммо, таҳлилни бизнингча бошқа усуlda ҳам ўтказиш мумкин. Яъни, 2022 йилда мамлакатнинг ўртача аҳолиси 35648,1 ((35271,3+36024,9)/2) минг киши эканлигини инобатга олсан, 10 фоизли гуруҳ аъзолари 3564,8 минг киши ташкил қиласди. Ва уларнинг даромади мос равишида 22,218 (634,8 трлн сўмнинг 3,5 фоизи) трлн. сўмни ҳамда бу шу гуруҳдагилар учун жон бошига умумий даромад 6,232 млн сўмни, истеъмол нарх индексини ҳисобга олгандаги реал даромад эса 5,594 (6,232/1,114) минг сўмни ташкил этаётганини кўриш мумкин. Демак, аҳолининг 10-фоизли 1-гуруҳи таркибидагиларнинг жон бошига ойлик даромади аъзолари 466 (5,594/12) минг сўмдан тўғри келган. Жаҳон тажрибасига асосан, камбағаллик чегараси сифатида белгиланган минимал истеъмол харажатларининг Ўзбекистонда 2022 йил учун ушбу йил бошида эълон қилинган миқдори 498 минг сўм

⁷ Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

⁸ Шевяков А.Ю. 2010. Социальное неравенство: тормоз экономического и демографического роста. Уровень жизни населения регионов России. № 5. – С. 38-52.

бўлган. Бундан келиб чиқадики, аҳолининг 10-фоизли 1-гуруҳи вакиллари тўлиқ ҳамда қисман 2-гуруҳ вакиллари мамлакатдаги ижтимоий ҳимояга мухтож бўлган камбағал оиласлар аъзолалари ҳисобланышган.

6-жадвал

Ўзбекистонда кам таъминланган аҳоли улуши⁹

Кўрсаткич-лар	2007	2010	2013	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Кам таъминланган аҳоли улуши	23,6	17,7	14,1	12,3	11,9	11,4	11,0	11,5	-	-
Камбағаллик даражаси	-	-	-	-	-	-	-	-	17,0	14,1

Хулоса ва таклифлар

➤ Ўзбекистонда аҳоли даромадлари, уларнинг аҳоли 10 фоизли гурухлари бўйича тақсимланиши ҳамда мамлакатдаги камбағаллик чегараси сифатида қабул қилинган минимал истеъмол харажатлари микдори билан боғлиқ кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилган ҳолда, шундай хулоса шакллантириш мумкин:

1) аҳоли даромадларини 10 фоизли гурухлар бўйича тақсимланишида дифференциация коэффициенти охирги йилларда 6-7 коэффициентни ташкил қилган ҳолда, ижобий ҳолатда бўлсада, охирги уч йилда нисбатан ўсиш ҳолати кузатилган;

2) дифференциация коэффициенти нормал ҳолатда бўлишига қарамай, 10 фоизли гуруҳнинг жон бошига реал даромадлари мамлакатда қабул қилинган камбағаллик даражасида қолиб кетмоқда.

➤ Бугунги кунда аҳоли даромадларини барқарорлигини таъминлаш, аҳоли даромадалари ўртасидаги табақалашув коэффициентини меъёрлаштириш ва камбағаллик даражасида қолиб кетаётган аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда иқтисодий фаолиятни амалга оширишда турли хил молиялаштириш шаклларидан фойдаланилмоқда.

➤ Шулардан асосийси бу, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган кредитлаш амалиётидир. Бу борада, банклар томонидан кредитлаш механизmlарини амалга оширишдаги мухим жараёнлардан бири бу мижознинг тўловга лаёқатлиигини баҳолаш жараёнидир. Бу кредитни бериш ва қайтаришни ташкил этишда жуда мухим роль ўйнайди.

➤ Иқтисодиётда бозор механизmlари самарали ишласа, ушбу иқтисодиётда хусусий мулк устунлигини кузатиш мумкин бўлади, шунинг билан бирга иқтисодиётда аҳоли даромадлари: меҳнатдан, мулкдан, тадбиркорликдан ҳамда бюджетдан ижтимоий ҳимояга мухтож қатламга бериладиган маблағлар (трансферт) кўринишидаги каби даромадлардан ташкил топади.

➤ Аҳоли даромадлари – бу маълум бир ҳудуд ёки иқтисодиётдаги жамият аъзоларига тегишли бўлган пул ва натура кўринишидаги уларнинг тушумлари ҳамда улар томонидан истеъмол қилинган бепул хизматларнинг маълум бир даврдаги йиғиндишидир¹⁰. Агар ушбу давр календарь йилидан иборат бўлса, унда миллий иқтисодиётдаги аҳоли даромадларини ялпи ички маҳсулотдаги аҳолини улуши сифатида қараш мумкин. Ўз-ўзидан англаш мумкинки, аҳоли даромадлари барқарорлиги бевосита ялпи ички маҳсулотнинг барқарор динамикасини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

➤ Юқоридаги назарий ва баъзи амалий кўрсаткичлар билан боғлиқ таҳлилларимиз ва бугунги кунда банкларимизнинг кредит портфелида муаммоли кредитлар улушкининг юқорилиги бу борада ҳам назарий ва услубий тадқиқотлар амалга оширишни ва тизимни самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Шумпетер Й. (2001) История экономического анализа: В 3-х т. Пер. с англ. /Под ред. В.С. Автономова. СПб.: Экономическая школа, Т.2. С.824.

⁹ Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

¹⁰ Тадқиқот манбалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

2. Jean-Baptiste Colbert. (2017) *Mémoires sur les finances*. PALEO. French. 202 pages.
3. Т. Ман. Меркантилизм. (2007) Богатство Англии во внешней торговле / Т. Ман. – Москва : Директ-Медиа, 2007. – 30 с.
4. Антуан де Монкретьен. (1889) «Трактат о политической экономии» (*Traité d'économie politique*). – Париж.
5. Mill, J. St. (1844) *Essays on some unsettled questions of political economy*. London, 1844 (Милль, Дж. Ст. Опыты о некоторых нерешённых вопросах политической экономии. Лондон). – 613.
6. Mill, J. St. (1848) *Principles of political economy with some of their applications to social philosophy*. In two volumes. London, 1848 (Милль, Дж. Ст. Основания политической экономии с некоторыми из их применений к общественной философии. В двух томах. Лондон). – 624.
7. Жак Тюрго. (1905) Размышления о создании и распределении богатств: Ценности и деньги / Александр Н. Миклашевский (пер. и доп.). — Юрьев. – XVIII, 80 с.
8. Кенэ Ф. (1758) Экономическая таблица. Замечания об изменениях в распределении годовых доходов нации. Версаль). – 604.
9. Смит А. (1802) «Исследование о природе и причинах богатства народов». Новый перевод Ж. Гарнье, с комментарием и замечаниями переводчика. Том V. Париж). – 375.
10. Рикардо, Д. (1822) О покровительстве земледелию. Издание четвёртое. Лондон. – 86.
11. Маркс, К. (1957) Наёмный труд и капитал // Собр. соч. / К. Маркс, Ф. Энгельс. – 2-е изд. – М.: Политиздат. – Т. 6. – 577 с.
12. Маркс К. (1983) Заработка плата, цена и прибыль (доклад). Маркс. – М.: Политиздат.
13. Парето В. (2011) Трансформация демократии, М.: Издательский дом «Территория будущего». – 207 с.
14. Парето В. (1906) «Учебник политической экономии» [*«Manuale di economia politica»*].
15. Фридман М. (2006) Капитализм и свобода / Пер. с англ. М.: Новое издательство. – 240 с. (Библиотека Фонда «Либеральная миссия»).
16. Фридман М. (1998) Если бы деньги заговорили... / Пер. С англ. – М.: Дело. – 160 с.
17. Фридмен М. и Хайек Ф. (2003) О свободе. В серии «Философия свободы», вып. II. М.: Социум, Три квадрата. – 182 с.
18. Петти У. (1940) Экономические и статистические работы. Т. I-II. Перевод под ред. Смит М. Н. – Москва: Государственное социально-экономическое издательство. – 323с.
19. Петти У. (1676) «Политическая арифметика» (*Essays in Political Arithmetick*).
20. Кейнс Д. М. (2018) *The General Theory of Employment, Interest & Money*. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное / Д. М. Кейнс – М. : Издательство Юрайт. – 342 с.
21. Кейнс Д. М. (1936) Общая теория занятости, процента и денег. Избранное / Д. М. Кейнс – «Эксмо» – (Великие экономисты и менеджеры). Оформление. ООО «Издательство «Эксмо», 2022.
22. Tinbergen J. (1975) *Income distribution: analysis and policies* / Jan Tinbergen North-Holland Pub. Co.; American Elsevier Amsterdam: New York. – 180 p.